

САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИ ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

Мехмонов Қамбариддин Мирадхамович

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

E-mail: q.mehmonov@tsul.uz

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда интеллектуал мулк объектлари алоҳида ҳуқуқий мақомга эга. Сунъий интеллект ҳаётимизнинг кенг жабҳаларига фаол кириб келмоқда. Сунъий интеллект ва саноат мулки объектлари ўртасида муайян боғлиқлик бўлсада, унинг ҳуқуқий мақоми аниқланмаган. Айрим тадқиқот ишларида сунъий интеллектни субъект сифатида тан олиш, ҳуқуқий жавобгарликка тортиш ҳақида ғоялар таклиф қилинган. Мақолада сунъий интеллект ва саноат мулки объектларининг моҳияти ва зарурати таҳлил этилган. Таклиф этилган тадқиқот сунъий интеллектнинг моҳияти, унинг зарурати, қўллаш соҳалари, бу борадаги қонунчилик, муаммоларни ҳал этиш тенденциялари ҳақида маълумот олишга имкон беради. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва жаҳонда сунъий интеллект ва саноат мулки объектлари борасидаги ёндашувлар ўрганилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон қонунчилигини халқаро талабларга мослаштириш зарурати кўрсатиб берилди. Мақолада олимларнинг илмий нуқтаи назарлари, тараққиёт стратегияси даврида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги атрофлича ўрганилган. Муаллиф муайян таклиф-ғояларни илгари суради.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк, саноат мулки, сунъий интеллект, ихтиро, патент, ҳуқуқий ҳимоя, ҳуқуқий жавобгарлик, қонунчиликни такомиллаштириш.

Инсоният ривожини ва тараққиётида вужудга келадиган муаммоларни самарали ҳал қилишда интеллектуал мулк объектлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Ушбу объектларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, муомилада бўлишини таъминлаш табиийки алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

Интеллектуал мулк объектлари орасида патент ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган саноат мулки объектлари алоҳида ўрин эгаллайди. COVID-19 пандемияси шароитида турли давлатларда миллий ҳамда глобал миқёсда яратилаётган вакциналар ушбу муаммони самарали ҳал қилишда ёрдам бермоқда. Интеллектуал мулкнинг ушбу объектлари ҳам ҳуқуқий, ҳам техник билимларни талаб қилади. Шу боисдан, саноат мулки объектларининг фуқаролик-ҳуқуқий режимини аниқлаш долзарбдир.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2015 йилда асосан 10 та давлат патент идораси томонидан талабномалар берилган. Бунда АҚШ ва Германия дастлабки ўринларни эгаллаган¹. Дунё бўйича 2019 йилда 3 226 100 та патентга талабнома берилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2020 йилда 3 276 700 тани ташкил қилган ва ўсиш суръати 1,6 фоизни ташкил қилган² 2009, 2014, 2019 йилларда берилган патент талабномалари электр инженерияси, маҳсулотлар, кимё, механик инженерия ҳамда бошқалардан иборат бўлган. Сўнгги йилларда хусусан 2017-2019 йилларда аудиовизуал технология, телекоммуникация, рақамли технология, компьютер технологияси, бошқарувда ИТ методлари, биотехнология, фармацевтика каби соҳаларда патент талабномалари берилиши ўсганлигини кўриш мумкин³. Албатта ушбу кўрсаткичнинг ўсиши иқтисодий, ижтимоий муаммолар шароитида эришилган муҳим илмий натижа сифатида баҳоланиши зарур.

Юқоридаги кўрсаткичдан шу ҳолат англашиладики, пандемия ижод эркинлигини намоён қилишга, янги интеллектуал мулк объектларини яратиш ва ҳуқуқий муҳофаза ҳужжатларини олишга бўлган интилишга ўз таъсирини кўрсатган. Шундай бўлсада, ихтиронинг инсон тараққиётидаги ўрни тобора

¹ WIPO, “World Intellectual Property Indicators 2016,” www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_941_2016.pdf

² <https://ipkitten.blogspot.com/2021/11/the-annual-world-intellectual-property.html>

³ https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_941_2021.pdf

ортиб бораётган шароитда унга доир ҳуқуқий муҳофазалаш, ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунда сунъий интеллектга (*Artificial Intelligence – AI*) асосланган саноат мулки объектларига ҳуқуқий муҳофаза ҳужжатларини олиш жараёни кенг кузатилмоқда. Агар эътибор қаратадиган бўлсак, 1998 йилдан сунъий интеллект соҳасида доимий ўсиш кузатилган. Ҳар йили 2012 йилдан бошлаб то 2017 йилгача 103 та компания мутлақ ҳуқуқни қўлга киритган.

Alphabet компанияси (унинг портфелига *Google, DeepMind, Waymo* ва *X Development* киради), ихтироларга бериладиган талабномалар (3 814 та) бўйича фақатгина 10-ўринни эгаллайди ва сунъий интеллект соҳасида ҳуқуқий муҳофаза олган компанияларнинг етакчиси ҳисобланади. *Apple* ва *Microsoft* компаниялари ҳам бошқа ташкилотлар ва уларга тегишли ҳуқуқларни харид қилиш билан фаол шуғулланишган. *IBM* ва *Intel* каби компаниялар асосий эътиборини етук компанияларга қаратган бўлсада, олинган компаниялар – стартаплар ҳисобланади ва уларнинг баъзиларининг потфелида патентлар бўлса, бошқаларида ҳеч қандай ҳуқуқий муҳофаза ҳужжатлари бўлмаган. Бу дегани, компаниялар харид қилишнинг асосий мақсади муайян активларни, профессионал кадрларни, шунингдек маълумотлар базаси, ноу-хау ва бошқа интеллектуал мулк ҳуқуқларини қўлга киритиш ҳисобланади⁴.

Хорижий мамлакатлар янги технологияларни яратувчи ва амалиётга татбиқ этувчилар ҳисобланади. Табиийки, ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги етакчилик борасида ҳам муайян тажрибаларни ўрганиш ўринли бўлади. 2020 йил 20 апрелда АҚШ патент ва товар белгилари бўйича офиси (*United States Patent and Trademark Office – USPTO*) сунъий интеллект томонидан яратилган ихтирога патент беришни рад этди⁵. Ихтиронинг хусусияти шундаки, Стивен Талер томонидан яратилган *DABUS* тизими инсоннинг ижодий хусусиятини намоён

⁴ Фрэнсис Гарри о будущем интеллектуальной собственности: возможности и проблемы. Сентябрь 2017 г. Доклад ВОИС 2019 г. из серии «Тенденции развития технологии» Краткое изложение Искусственный интеллект. 11-б. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/ru/wipo_pub_1055_exec_summary.pdf

⁵ Купчина Е.В. Искусственный интеллект и интеллектуальная собственность: вопросы правового регулирования патентных отношений. //Правовая парадигма. 2020. Т. 19. № 4. 48-54-б.

этади. Ушбу тизим 2 та ихтиро яратади. Биринчиси геометрик шаклдаги ичимликлар учун контейнер ва иккинчиси инсон ақлий фаолиятига ўхшаш имитация берувчи ёруғлик.

АҚШ қонунчилиги ҳам ихтирога нисбатан ҳуқуқ эгаси айнан жисмоний шахс бўлишини назарда туттади. Талабнома берувчи ихтирочи сифатида DABUS тизимини кўрсатган. Фамилияси сифатида эса, сунъий интеллект томонидан яратилган ихтро деб кўрсатилган. Стивен Талернинг фикрича, тизим ўзи ўрганган нейрон тизимлари орқали мустақил равишда ва автоном ҳолатда ихтирони яратган. Тизим бу борада махсус билимлар олиш учун алоҳида ўқитилмаган. Бироқ, ваколатли орган бу борадаги изоҳларни қабул қилмаган ва ҳужжатлар қисми етарли эмаслиги сабабли рад этган. Яъни, ваколатли орган ихтирочини аниқлаш имконияти мавжуд эмас деб ҳисоблаган. Ҳозирги кунгача муаллиф томонидан қилинган урунишлар бесамар бўлиб, АҚШ, Буюк Британия ва европада қилинган ҳаракатлар натижа бермаган⁶.

Фикримизча, бугунги кундаги бутун дунё патент қонунчилиги ихтирога нисбатан ҳуқуқ субъекти сифатида фақат инсонни қабул қилади. Бу қонуннинг қонунчиликда мавжудлиги эътироф этилишига ўз вақтида инсонлар ижодий меҳнатини кадрлаш ва рағбатлантириш, келгусида ушбу фаолият асосида ўз меҳнатини самарасини кўриш мақсади билан боғлиқ. Энди эса, ҳуқуқ эгалари сунъий интеллектнинг ўзига тегишли бўлган ҳуқуқни тақдим қилишни талаб қилмоқда. Ўзига ҳуқуқ олган субъект ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қай даражада қодир? Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш улар учун мажбурий бўладими? Қонун чиқарувчи ушбу саволга қандай жавоб бериши ҳозирча ноаниқ. Мавжуд ҳуқуқий воқелик хавотирга сабаб бўлмаслиги керак.

Саноат мулки ҳисобланган ихтиро маҳсулот – қурилма сифатида кенг тарқалган. Қурилма сифатида конструкция ва буюмлар тушунилади. Конструкция деганда, муайян қурилма, иншоот, механизм, шунингдек шундай

⁶ Gvoth, W. DABUS Denied: Only Natural Persons can be Named as Inventors on US Patents Blog Global Business IP and Technology Blog / William Gvoth, Douglas H. Goldhush. – Electronic text data. – Mode of access: <https://www.lexology.com/library/detail.aspx?g=fd5c0397-922d-481d-a9a8-4e597d90d3ca>. – Title from screen

қурилмали иншоот, машина қисмларининг таркиби ва ўзаро жойлашуви тушунилади.

Буюм сифатида маҳсулот тушунчаси билан биргаликда инсон меҳнатининг натижаси ҳисобланган ашё, товар тушунилади. Бироқ, бу ўринда ҳар доим ҳам ушбу натижалар фақатгина инсон фаолияти бўлмаслигини ҳам эътибордан қолдириб бўлмайди. Масалан, сунъий интеллект ёрдамида олинган буюм, ашё, ижодий натижа ва ҳ.к.

Айнан қурилма ихтиронинг кенг тарқалган объекти бўлиб, инсонларнинг ҳам ишлаб чиқариш, ҳам маиший ҳаёт тарзида унинг атрофида бўлган чекланмаган доирадаги буюмларни қамраб олади.

Қурилмага машина ва унинг деталлари, приборлар, аппаратлар, асбоб-ускуна, инструмент ва бириктиришга хизмат қилувчи буюмлар, идиш ва ўрам, транспорт воситалари, идиш-товоқ, мебель, оёқ кийим, алоқа воситалари, қурилиш конструкциялари, бинолар, иншоотлар ҳамда ушбуларнинг қисмлари ва бошқалар киради.

Бу ўринда нима сабабдан ихтиронинг қурилма тури нисбатан кенг тарқалган? деган ўринли савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш учун патент билан муҳофаза остига олинган ихтиро ҳақиқатан ҳам муҳофаза қилинади ва ундан фойдаланганлик фактини реал аниқлаш имконияти мавжуд бўлишига эътибор қаратиш зарур. Қурилмадан фойдаланиш фактини аниқлаш усулдан фойдаланганлик фактини аниқлашдан кўра осонроқ кечади. Чунки, қурилмани ҳар қандай бозорда, дўконда, реклама воситалари ва бошқаларда топиш мумкин. Ушбу ихтиро объектини қўшимча тарзда техник хусусиятлари билан харид қилиш тартиби ҳам назарда тутилади. Масалан, олди-сотди шартномасида сотувчининг товарни зарур ҳужжатлар билан топшириш мажбурияти ва бошқалар.

Бироқ, ихтиро усулини аниқлаш ва исботлаш бирмунча мураккаб кечади. Бунинг учун аввало, ушбу усул бирон-бир корхонада ёки цехда қўлланилаётганлиги ҳақида ҳуқуқ эгаси маълум бир ахборотга эга бўлиши талаб

қилинади. Қолаверса, ушбу ташкилотга кириш таъқиқланган бўлиши ва бегоналар кириши эҳтимолдан йироқ бўлиши мумкин. Ихтиро усулидан фойдаланганлик фактини исботлаш учун барчага маълум бўлиши мумкин бўлмаган технологик йўриқнома шаклидаги ишончли хужжат тақдим этилиши керак. Ушбу ҳолат ҳам ихтиро усулидан фойдаланиш фактини аниқлашни мураккаблаштиради.

Deshpande Rohan, Kamath Karan тадқиқотида сунъий интеллект томонидан яратилган ихтирога нисбатан ҳуқуқлар унинг яратувчига тегишли бўлишига доир масалалар Ҳиндистон ҳуқуқи нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Унда муаллифлар сунъий интеллектга ҳуқуқ берилиши тегишли мажбуриятларга ҳамда мажбуриятларни ихтирочи ёки ҳуқуқ эгасига юклашнинг ҳуқуққа мослигини кўтаради деб кўрсатади. Патент идоралари сунъий интеллект томонидан ихтирони яратишига, ихтирочининг инсофлигини аниқлашга доир мураккаб масалаларни аниқлаш учун тегишли технологиялар билан қуролланган бўлиши зарур⁷ деган хулосаларга келади.

Ryan Abbott тадқиқот ишида патент билан муҳофаза қилинадиган объектлар доирасини кенгайтишига алоҳида эътибор қаратади. Унда кўрсатилишича, дастлабки вақтларда инсон генига доир патент беришлар рад этилган бўлса, 2013 йилдан кейин бу кўрсаткич ўзгарганлигини ва патент бериш жараёни мавжудлигини кўрсатади. Патент ҳуқуқи риоя қиладиган принциплар ривожлантирилиши ҳамда ихтиро алгоритмини янгича қайта кўриб чиқиш зарур. Биз ушбу янги технологияларга доир ўз мақсадимизни аниқлашимиз, дунё қандай бўлишини тасаввур этишимиз ва қонун қандай қилиб бунга ёрдам бериши мумкин деган саволларни қўйишимиз лозим деб кўрсатади⁸.

⁷ Patentability of inventions created by AI – the DABUS claims from an Indian perspective/ // Journal of Intellectual Property Law & Practice, 2020/11. doi:10.1093/jiplp/jpaa146.

⁸ Ryan Abbott. Inventive Algorithms and the Evolving Nature of Innovation. The Cambridge Handbook of the Law of Algorithms , PP. 339-373. <https://doi.org/10.1017/9781108680844.017>

Аксарият тадқиқот ишларида ихтирони ҳуқуқий муҳофаза қилишда сунъий интеллектдан фойдаланиш, ахборот коммуникацион технологияларини қўллаш, ҳуқуқ эгасининг ваколатларини аниқлашга эътибор қаратилган.

Сунъий интеллектни татбиқ этиш билан боғлиқ саноат мулкига доир муаммолар вужудга келишда давом этади. Бунда қуйидагиларни аниқлаб олиш зарур:

- сунъий интеллект технологиясининг патентга лаёқатлилиги;
- сунъий интеллект томонидан яратилган саноат мулки объектининг патентга лаёқатлилиги;
- сунъий интеллект томонидан саноат мулки объектига нисбатан бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузилиши;
- сунъий интеллектнинг ҳуқуқ субъекти сифатидаги мақомини аниқлаштириш.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ҳуқуқий тадқиқотларда сунъий интеллект томонидан яратилган ихтирога нисбатан ҳуқуқлар кимга тегишли бўлиши борасида баҳслар кўзга ташланади. Ҳозирга қадар дунёнинг ривожланган мамлакатлари ва миллий ҳуқуқ тизимимиз саноат мулки объектига нисбатан ҳуқуқ субъекти сифатида жисмоний шахсни тан олади. Бу қонданинг қонунчиликда мавжудлиги эътироф этилишига ўз вақтида инсонлар ижодий меҳнатини кадрлаш ва рағбатлантириш, келгусида ушбу фаолият асосида ўз меҳнатини самарасини кўриш мақсади билан боғлиқ. Энди эса, ҳуқуқ эгалари сунъий интеллектнинг ўзига тегишли бўлган ҳуқуқни тақдим қилишни талаб қилмоқда. Ўзига ҳуқуқ олган субъект ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қай даражада қодир? Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш улар учун мажбурий бўладими? Қонун чиқарувчи ушбу саволга қандай жавоб бериши ҳозирча ноаниқ. Мавжуд ҳуқуқий воқелик хавотирга сабаб бўлмаслиги керак.

Сунъий интеллектнинг соҳага татбиқ этилиши ихтиронинг патентга лаёқатлилигини аниқлаш, ўхшаш (аналог)ларни топиш ва таққослаш, қайси давлат ҳудудида патент олиш имконияти самарали бўлишини баҳолашга имкон

беради. Сунъий интеллектнинг хуқуқ субъектлигини аниқлашда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Сунъий интеллект билан боғлиқ зарарли таъсирни камайтиришда эса, суғурта қоидаларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. “World Intellectual Property Indicators 2016,” www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_941_2016.pdf
2. <https://ipkitten.blogspot.com/2021/11/the-annual-world-intellectual-property.html>
3. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_941_2021.pdf
4. Фрэнсис Гарри о будущем интеллектуальной собственности: возможности и проблемы. Сентябрь 2017 г. Доклад ВОИС 2019 г. из серии «Тенденции развития технологии» Краткое изложение Искусственный интеллект. 11-б. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/ru/wipo_pub_1055_exec_summary.pdf
5. Купчина Е.В. Искусственный интеллект и интеллектуальная собственность: вопросы правового регулирования патентных отношений. //Правовая парадигма. 2020. Т. 19. № 4. 48-54-б.
6. Gvoth, W. DABUS Denied: Only Natural Persons can be Named as Inventors on US Patents Blog Global Business IP and Technology Blog / William Gvoth, Douglas H. Goldhush. – Electronic text data. – Mode of access: <https://www.lexology.com/library/detail.aspx?g=fd5c0397-922d-481d-a9a8-4e597d90d3ca>. – Title from screen
7. Patentability of inventions created by AI – the DABUS claims from an Indian perspective/ // Journal of Intellectual Property Law & Practice, 2020/11. doi:10.1093/jiplp/jpaa146.
8. Ryan Abbott. Inventive Algorithms and the Evolving Nature of Innovation. The Cambridge Handbook of the Law of Algorithms , PP. 339-373. <https://doi.org/10.1017/9781108680844.017>